



**“SHARQ-U G‘ARB RENESSANS ADABIYOTI:
NAVOIY VA SHEKSPIR”**

**mavzuidagi xalqaro ilmiy-nazariy konferensiya
materiallari**

2022 yil, 22-iyun



**Articles of international scientific-theoretical
conference on
“EAST-WEST RENAISSANCE LITERATURE:
NAVOI AND SHAKESPEARE”
June 22, 2022**

TOSHKENT - 2022

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIV VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM VAZIRLIGI
ALISHER NAVOIY NOMIDAGI
TOSHKENT DAVLAT O‘ZBEK TILI VA ADABIYOTI UNIVERSITETI
O‘ZBEK FILOLOGIYASI FAKULTETI
JAHON ADABIYOTI VA UNIVERSAL ADABIYOTSHUNOSLIK KAFEDRASI

**“SHARQ-U G‘ARB RENESSANS ADABIYOTI:
NAVOIY VA SHEKSPIR”**

*mavzuidagi xalqaro ilmiy-nazariy konferensiya
materiallari
2022- yil, 22-iyun*



MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY SPECIAL EDUCATION
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN
ALISHER NAVO‘I TASHKENT STATE UNIVERSITY OF UZBEK LANGUAGE AND
LITERATURE
FACULTY OF UZBEK PHILOLOGY
DEPARTMENT OF WORLD LITERATURE AND UNIVERSAL
LITERARY STUDIES

Articles of international scientific-theoretical conference on
**“EAST-WEST RENAISSANCE LITERATURE:
NAVOI AND SHAKESPEARE”**
June 22, 2022

TOSHKENT – 2022

Mohigul Ergasheva. HAZRAT ALISHER NAVOIY BEGALI QOSIMOV
TALQINIDA 297

Guzal Safarova, Nafisa Saparova. ABU MANSUR MOTURIDIYNING
HAYOTI VA ILMIY FAOLIYATI..... 307

3-SHO‘BA. G‘ARB ADABIYOTIDA SHARQ MAVZUSI TALQINLARI

Islom Yoqubov. ALAMLI SEVGI QISSASI YOXUD XUSUMAT
QURBONLARI..... 313

Isroil Sulaymonov. RUMER GODENNING «GULBADAN»
ASARIDA BOBUR SHAXSIYATI BADIY TALQINI 320

Xurshida Djalilova. INGLIZ MA‘RIFATCHILIK ADABIYOTIDA
SHARQ MOTIVI..... 327

Альбина Рахманова. СПЕЦИФИКА РАЗВИТИЯ КОРАНИЧЕСКИХ
МОТИВОВ В РУССКОЙ ЛИТЕРАТУРЕ..... 333

Saodat Sultonsaidova. BADIY ADABIYOTDA ZAMONAVIYLIK
MOTIVLARI..... 339

Xamro Abdullayev. ROMAN STRUKTURASIDA XRONOTOPLAR..... 343

Bahora Ergashova. KARLO GOTSSI DRAMATIK MEROSIDA
SHARQ ERTAK QAHRAMONLARI TALQINI..... 350

Bashorat Jamilova. SHARQ VA G‘ARB RENESSANS DIDAKTIKASI..... 356

Shahnoza Ergasheva. ZAMONAVIY NASRDA SHARQ AYOLI
RUHIYATI TALQINI..... 365

Alisher Mahmudov. SHEKSPIR VA LESSING ASARLARIDA
SHARQ MAVZUSI 372

Arofatoy Muydinova. SHARQ VA G‘ARB SHE‘RIYATIDA
MUVASHSHAHCHILIK AN‘ANASI..... 377

Umida Ilxomova. O‘ZBEK VA AMERIKA ADABIYOTIDA
O‘QITUVCHI OBRAZI..... 381

Ulug‘bek Ko‘chimov. ZAMONAVIY SHARQ VA G‘ARB NASRIDA
BADIY PSIXOLOGIZM..... 386

Zokir Pardayev. SHODMONQUL SALOM SHE‘RIYATIDA
SHARQONA OBRAZ TALQINI..... 395

Dilfuza Rasulmuxamedova. SHARQ VA G‘ARB ADABIYOTIDA
REALIZM 399

Akrom Malikov. SHARQ-U G‘ARBGGA TARQALGAN
“G‘AROYIB US-SIG‘AR” NUSXALARIDAGI HAMD G‘AZALLAR..... 405

<i>Dildora Aliqulova.</i> “O‘TKAN KUNLAR” ROMANIDA SHARQONA SYUJET.....	418
<i>Gulmira Absalamova.</i> SHARQ VA G‘ARB MUTAFAKKIRLARI IJODIDA TARBIYA MASALASI	423
<i>Nodir Rahmatullayev.</i> NAZAR ESHONQULNING “TAQIQ MEVASI” ROMANIDAGI G‘ARB MIFOLOGIZMLARI TAHLILI.....	434
<i>Elmira Djurakulova.</i> SHOYIM BO‘TAEVNING “SHOX” ROMANIDA POETIK MAHORAT MASALASI	442
<i>O‘g‘iloy Mavlonova.</i> KINOYADA ZOOSEMIZMLARDAN FOYDALANISH MAHORATI	450
<i>Bekzod Qarshiyev.</i> “LOLAZOR” ROMANIDA MAG‘RIB NASRI UNSURLARI.....	454
<i>Nodira Mansurova.</i> MAGIK REALIZM HAQIDA.....	458
<i>Nasiba Norova.</i> SHEKSPIRNING “MAKBET” TRAGEDIYAYSIDAGI MIFOLOGIK OBRAZLAR.....	463
<i>Oybarchin Abdulhakimova.</i> DANTE VA ABDULLA ORIF.....	469
<i>Elbek Avezov.</i> O. GENRI HIKOYALARI.....	476
<i>Lolaxon Qo‘ziboyeva.</i> DRAMATIK ASARLAR TARJIMASINING MATBUOT VARIANTI	480

4-SHO‘BA. SHARQ VA G‘ARB ADABIYOTI QIYOSIY ADABIYOTSHUNOSLIK KONTEKSTIDA

<i>Bahodir Xoliqov.</i> SHARQ VA G‘ARB DETEKTIVI: PYUZO, TOHIR MALIK	489
<i>Ilhom Aslonov.</i> “BOBURNOMA”DA MUALLIF OBRAZI.....	497
<i>Kandilat Yusupova.</i> “UMMONDAGI OROLLAR” ROMANIDA BOSH OBRAZ PSIXOLOGIYASINING QIYOSIY TAHLILI	505
<i>Shahnoza Rahmonova.</i> “SADDI ISKANDARIY” DOSTONIDA RITMIK URG‘UNING O‘RNI.....	516
<i>Nilufar Dilmurodova.</i> ASAD DILMUROD TARIXIY NASRIDA SHARQ MUTAFAKKIRLARI OBRAZI	521
<i>Mahmadiyor Asadov.</i> “YOLG‘IZLIK MOTIVI”NING POETIK TALQINI	530
<i>Azamat Xayrullayev.</i> SHARQ HIKOYATLARIDA “YOLG‘ON” MOTIVI.....	538
<i>Mahfuzaxon Xomidova.</i> NAVOIYDA INTERTEKSTUALLIK VA UNING MANBALARI	542

*Башорат ЖАМИЛОВА,
филология фанлари номзоди, профессор
(БухДУ, Ўзбекистон)*

ШАРҚ ВА ҒАРБ РЕНЕССАНС ДИДАКТИКАСИ

Аннотация. Мақолада Шарқ Уйғониш даври адабиёти, таълим-тарбияси, устоз-шогирд муносабатлари, маданий-тарихий омилларнинг Ғарб Ренессанс дидактикаси билан уйғун тамойиллари ҳақида фикр юритилган.

Abstract. The article discusses the principles of Eastern Renaissance literature, education, teacher-student relations, cultural and historical factors in accordance with the didactics of the Western Renaissance.

Калит сўзлар: анъана, омил, дидактика, эҳром, коҳин, гот, мантиқ, нотик, гуманизм.

Keywords: tradition, factor, didactics, ihram, priest, got, logic, speaker, humanism.

Таълим ва тарбия, илм-фан ҳамма замонларда ҳам жамият тараққиётини белгиловчи омил ҳисобланган. Шарқ ана шу омилнинг бешиги эканлиги билан шуҳрат қозонди. Мовароуннаҳр ва Хуросон халқлари яшаган минтақаларда таълим ва тарбия ривожланганига энг қадимги адабий ёдгорликлар гувоҳдир. Адабиётшунос олим Ҳомиджон Ҳомидий “Авесто”даги далилларга таяниб, ўша даврда ҳам таълим жараёнида кундалик ҳаёт учун зарур бўлган барча билимлар ўқитилган, ҳунарлар ўргатилганини таъкидлайди [5:67]. Яъни, чорвадорлик, ҳунармандчилик, деҳқончилик ёки боғдорчилик билан шуғулланган қавмларда ўз касблари хусусиятидан келиб чиқиб, қиз болаларга юнгдан ип йигириш, урчуқ ва чархда ишлай билиш, ҳар хил либослар тўқиш, тикиш, юнг олишни билиши шарт бўлса; ўғил болалар молларни боқиш, урчитиш ва туғдириш, туя, отларни парваришлаб, уларни бошқара олиш, узоқ яйловларга сурув ҳайдаш, чорвани, дарранда ҳайвонларни, қароқчилардан муҳофаза қилиш, ўттиз икки ҳарбий ҳунарни билишлари мажбурий бўлган. Айниқса, энг биринчи мактабларнинг ҳам шу заминда очилиши ўлкамизда таълим-тарбиянинг қадимийлигидан далолатдир. Ибодатхона – оташкадалар ҳузурида подшолик тасарруфидаги махсус мактаблар очилиши, мадраса типигаги билим даргоҳлари ташкил қилиниши, уларнинг таълим тизими ишлаб чиқилиши; таълим жараёнига математика,

астрономия, тиб билими, тарих, ҳуқуқшунослик, гигиена сингари фанлар киритилгани Ўрта асрлардаги буюк Шарқ мутафаккирларининг етишиб чиқиши учун мустаҳкам замин ҳозирлаганига шубҳа йўқ. “Авесто”нинг икки жилдлик сўнгги форсий наشري билан танишган устоз Ҳ.Ҳомидий яна бир асосли далилга дуч келади: таълимни амалиёт билан боғлаб олиб борилиши ҳам ўша вақтлардан бошланган экан. Оташкадалар қошидаги устахоналар, вақф ерлари, дармонгоҳ, сиҳатгоҳ, дорихоналар айни пайтда амалиёт ўтказиладиган корхоналар вазифасини ўтаган. Ёдгорликдаги готларда ота-оналар ҳамма нарсани яратувчи, ҳар икки олам сеҳрини билгувчи, барча билимлар мояси Яздондан: “Менга хонадоним, кишлоғим, шаҳару мамлакатим шуҳратини дунёга кўз-кўз қиладиган ўқимишли, ишбилармон ўғлон бер” деб сўраган. Тарихий манбалар яна қадимги Турон ва Эронда V асрдаёқ илк билим масканларининг дастлабки кўриниши ҳунар мактаблари сифатида бунёд этилганлигини ойдинлаштиради. Жумладан, сосоний ҳукмдор Фируз Шаҳриёр (459-483) салтанати замонида шахсан унинг дастури асосида бунёд этилган шундай ўқув масканида 800 нафар талаба таҳсил олганлиги, унда фалсафа, фалакиёт, тиб, механика, физика, шеър ва мусиқа илмлари ўрганилгани қайд этилади [3:67].

Инглиз Шарқшуноси Э.Браун эътирофича, Шопур ҳунармандчилик жамиятида 529 та кутубхона бўлиб, уларда мусиқа, фалсафа, ҳандаса, тиб, фалакиёт, юлдузшунослик, ҳисоби ҳандаса, физика, механика, доришунослик, ахлоқ, шеър илмига оид китоблар жамланган. Бинобарин, аждодларимиз маънавий камолот йўлидаги илк қадамлари вақтидаёқ таълим тизимининг самарали томонларига эътибор қаратишгани аёнлашаётир.

IX–X асрларга келиб ўлкамизда таълим-тарбия шу анъаналар асосида давом эттирилган. Зардуштийлар эҳромлардаги сиғиниш маросимида ўз қоҳинлари ёхуд улуғларнинг мамлакат ва халқ аҳволи ҳақидаги эътиқодига содиқлик, ҳаёт янгиликлари, одоб-ахлоқ ва турмуш кечириш учун риоя қилиниши шарт саналган қонун-қоидалар тўғрисида сўзлаган, ваъз-насиҳатларини тинглаб ҳаёт сабоғини олган бўлсалар, араблар ўзларининг исломлаштириш сиёсатларини амалга оширишда бу анъаналардан фойдаланиб, эҳромлар ўрнига масжидлар бунёд этишган, унинг ҳузурида ўқиш хоналари, хужралар, мактаблар қуришга диққатни қаратган. Наршахий мусулмон оламидаги илк мадраса ва мактаб 712-713 йилда Қутайба ибн Муслим томонидан

Бухорода зардуштийлар эхроми ўрнида қурилганини хабар беради [2:124]. Кейинчалик бундай мадрасалар Бухорода кўплаб бунёд этилгани ҳақида Абдурауф Фитрат асарларидан билиш мумкин. Жумладан, адиб “Ҳинд сайёҳи баёноти” асарида Бухородаги икки юзга яқин мадрасалар номини тилга олиб, улардан 33 таси олий, 39 та ўрта ва юздан ортиқ қуйи тоифадаги мадрасалар эканлигини маълум қилади. Шунингдек, Бухорода 300 та қуйи мактаб, 11 та кутубхона борлиги таъкидланган. Бу рақамлар оламга 400 олимни берган Бухоройи шарифнинг XX аср бошларидаги жаҳолатга юз тутган аҳволини баён қилиш муносабати билан қайд этилган [4:112].

XV–XVI асрларда Мовароуннаҳр ва Хуросон давлатларида ҳам таълим-тарбия анъаналарининг қадим илдизлари кузатилади. Муҳаммад Ҳайдар мирзонинг “Тарихи рашидий” асари шу жиҳатдан Марказий Осиёдаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт билан бирга айрим тарихий шахслар тарбияси, салтанат ва сулолардаги илм-ҳунарлар тўғрисида маълумот бера олади. Масалан, асарда Бобур мирзонинг Ҳайдар мирзога ҳам оталик, ҳам устозлик қилгани ҳақидаги қуйидаги эътироф келтирилган: “Мен Кобулда анча вақт Бобур подшоҳ хизматида доруломонликда кун кечирдим. У мудом меҳрибончилик билан бошимни силаб, гоҳ илтифот билан, гоҳ қатъий амр билан мени илм эгаллашга ундарди. Агар менинг озгина билим эгаллаганимни сезса, у янада илтифотлироқ бўлиб, ҳаммага бу ҳақда гапирар ва мени руҳлантиришларини талаб қиларди...”[1:18]. Бунда замонавий таълим-тарбия илдизлари яққол кўринаётир. Боланинг билим олишида рағбат ва эътироф ҳам, қатикқўллик ҳам нечоғли зарурлиги аён бўлади. Султонлар тарбиясининг шунга ўхшаш яна бир амалий жиҳати муаллифнинг бошқа бир ҳикоясида кузатилади. Бобур Бухоро ва Самарқандни 1511 йилда жанг билан олганида унинг ёнида Муҳаммад Ҳайдар Мирзо ҳам бўлган. Бобур Кўли Малик жангида Убайдуллохондан енгilib, Ҳисорга чекинганида, Султон Саидхон муттасил илтимос қилгани учун 12 ёшли Ҳайдар мирзони Андижонга жўнатади. Султон Саидхон Ҳайдар мирзони сабот билан салтанат ишларига тайёрлайди. У турли-туман ишларни буюриб, уларнинг фойдаси ҳақида шундай дейди: “Йигитларимиз хизматга қадам қўймагунча уларда қобилият пайдо бўлмайди. Улуғ ишларда, катта йиғинларда, обрў-эътиборли кишилар – хоқонлар, султонлар, вазирлар, амирлар йиғилган жойларда катталар билан бирга бўлиб, уларнинг хизматида бўлишса, бу ишларда кўнгиллари ва кўзлари пишиб, йирик

йиғинларда ҳайрон қолиб ўтиришмайди. Ёшлар дадил, ўзларига ишонган бўлишса, уларни кўрган одамнинг дилида уларга нисбатан ишонч пайдо бўлади, улардаги бу фазилатлар юрт сўраш ишида куч-қудратга эга бўлишларида асқотади. Агар бундай хизматни билим ва кўникмага эга бўлмаган одам бажарса, у бошқаларга зарур топшириқларни беролмайди, уларнинг ишларидаги камчиликларни кўролмайди, бу камчиликларни бартараф қилиш йўллари билмайди”[2:20].

Муаллиф шу тариқа 24 ёшигача хоннинг жуда кўп хизматларини кунт билан бажарганлигини айтади. Маҳкамадаги амирларнинг йиғинларида мартабасига мувофиқ ўз жойида ўтириши, борди-ю у ерда хонга бирон бир хизмат кўрсатиш учун вақт топса, хон уни тўхтатиб: “Халқнинг кўзига хор кўриниб қолмаслик учун йиғинларда мавқеинг ҳурмати сақлаш лозим” деган ўгитига амал қилади. Ҳайдар мирзонинг ёши 25 га етганида хон уни бу хизматлардан озод қилади ва энди унинг ўзи барча хизматларни топиб, ўзи билиб қилишга одатланишини таъкидлайди. 30 ёшга етганида эса хон унга лашкарини ишониб топширади, аммо ёнига билимдон, таниқли амирларни қўшиб қўяди. Унга: “Ҳеч қачон мана шу одамларнинг маслаҳатидан четга чиқма. Уларга кулоқ сол, барча ишларда бўйсун”, – дейди. “Ўттиз ёшимгача хон ҳузуридаги кенгашларда ўз мулоҳазаларимни айтишга ижозат йўқ эди, – дейди муаллиф, – шунинг учун йиғилишларда мен балиқдек жим ўтирардим”[1:20]. Ниҳоят, шу тахлит анча фурсат ўтгач, хон унинг фикрига тўлиқ ишонадиган ва бутун ҳарбий ҳамда салтанат ишларини ишониб топширадиган бўлади, барча жабҳада чекланмаган ҳуқуқ беради.

Бу тарихий манбалар узоқ ўтмишдаги қадимий анъаналарнинг асл моҳиятини ҳамон долзарблигича қолаётганидан гувоҳлик беради. Ҳар бир соҳада самарали натижага эришиш учун устоз-шогирд муносабатларини тўғри йўлга қўйиш, шогирднинг сабот ва матонат билан билим, малака, кўникмага эга бўлиши, сўнгра, устоз ишончини садоқат билан оқлаши муҳим восита экан.

Ёки, қадимги Шарқ педагогикасининг намуналаридан бири “Қобуснома”да ҳам нутқ одоби, мантиқли ва ифодали сўзлаш ҳақида ибратомуз гаплар айтилган: “Яхши сўзлашга ўрган ва мулойим сўзлашдан бошқа нарсани одат қилма, негаки қандай сўзни гапиришни истасанг, тил шуни гапиради. Халойиқ сенинг сўз билан баланд даражага эришганлигини билсин, чунки кишининг мартабасини сўз

орқали биладилар. Ҳар кишининг аҳволи ўз сўзи остида яширинган бўлади” [6:27].

Бундан ташқари, сўз тарбияси, китобхонликка эътибор масаласи ҳам Шарқ уйғониш даври моҳиятининг ўзига хослигини англатади. Масалан, Алишер Навоийнинг қуйидаги эътирофи фикримизни асослайди:

Ёдимга мундоқ келур бир можаро,
Ким, туфулият чоғи мактаб аро
Истабон ташхиси хотир устод,
Назм ўқутурким, равон бўлсун савод.
Насрдин баъзи ўқур ҳам дoston,
Бу “Гулистон” янглиғ-у ул “Бўстон”.
Манга ул ҳолатда таъби бул ҳавас,
“Мантиқ ут-тайр” айлаб эрди мултамас.

Кўринадикки, устод муаллимлар болалар саводини чиқариш, уларни равон ўқий оладиган қилиб етиштириш мақсадида назм ва наср йўли билан ёзилган асарларни ўқитганлар. Ўқитганда ҳам жаҳон маданиятининг дурдонаси бўлган Шайх Саъдий Шерозийнинг “Бўстон” ва “Гулистон”, шайх Фаридиддин Атторнинг “Мантиқ ут-тайр” каби етук асарларини ўқитишган.

Шарқ Уйғониш давридаги маданий юксалиш, фан ва таълим ривожига ҳақида юзлаб манбалар мавжуд. Улуғ мутафаккирлар, шоиру фузалолар, хоқонлар ва султонлар тарихи, тақдири уларда мужассам. Улардан келиб чиқадиган хулоса шуки, ҳар қандай давр тараққиёти ва таназзулига инсониятнинг ўзи сабабчи. Таълим-тарбиянинг ҳар қандай кўриниши бориб устозларга тақалар экан. “Авесто”да устозларни яхши ва ёмонга ажратилиши бежиз эмаслигига иқрор бўламиз. Ҳар қандай яхшилик ўқувчига донишманд устозлар орқали ўтиши, уларнинг барча эзгу амаллари, характер-хусусиятлари шогирдларга ёдгорлик бўлиб қолганидек, лоқайдлик, фаросатсизлик, ўқувсизлик, хунарини, билимини, малакасини такомиллаштириш йўлида заҳмат чекмаслик каби ёмон қусурлар ҳам, аввало устоздан юқар экан. Ёш авлоднинг, умуман, одамларнинг зеҳнини ўтмаслаштириш, ақлини занглаши, имон-эътиқодлари сусайиб, жоҳилларни улуғ санаши ва маънавий қашшоқлашиб қолишларига ҳам ёмон устод сабабчилиги ёдгорликда рўй-рост айтилган.

XIV–XV асрларда Ғарбий Европа ўрта асрлардаги ҳар қандай эркин фикрни таъқиб этувчи ақидалар зулматидан халос бўлган,

маданият ва санъатнинг гуллаб-яшнаган марказига айланди. Бу жамиятда буржуазиянинг пайдо бўлиши ҳамда шаҳар маданиятининг ривожланиши билан боғлиқ бўлиб, Ренессанс (Уйғониш) даври деб аталади. Мазкур жараённинг асоси сифатида унинг ғоявий таянчи бўлиб, ўрта асрларда инсон шахсининг мустақил ривожланиш қобилиятига эга эканлиги, унинг ҳис-туйғулари ва фикрлари эркин бўла олиши мумкинлиги тўғрисида мушоҳада юритишнинг ўзи тақиқлаб қўйилган даврдан кейин – янги гуманизм, яъни инсонпарварлик (лотинчадан ҳуманус – инсон) ғояси пайдо бўлди.

Айтайлик, XVI асрда Англияда қиролича Елизаветта ҳукмронлиги даврида инглиз болалар адабиётининг босма нашрлари пайдо бўлган. Бундан кўзланган асосий мақсад эса болаларни яхши ўқитиш, жамиятда ўзини яхши тутишга ўргатиш эди. Бундай китобларнинг кўпчилиги лотинчадан таржима қилинган. Протестант черкови болаларни “табиатан бузук” (“По натуре ребенок испорчен”), – деб ҳисоблаган. Ана шу нуқтаи назар XVI–XVIII асрдаги Англия болалар адабиётининг йўналишини белгилаб, болалар учун ёзилган намуналар ҳам панд-насихат, қуруқ дидактикадан иборат бўлиб қолган.

Дарҳақиқат, ҳар бир мамлакатнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётидаги кескин бурилишлар, ўзгаришлар ўша мамлакат адабиёти, жумладан, таълим-тарбиясига ҳам таъсир ўтказиши табиий.

Уйғониш даври маданиятининг аҳамияти унинг феодал тузуми ва черковга қарши ғоявий кураш олиб бориши билан ҳам ажралиб туради. “Шахс эркинлиги ва уни черков сиртмоғидан озод этиш ҳамда дунёвий маданият яратиш учун ўз билим ва кучларини сарф этган титанлар ўзларини гуманистлар деб атаганлар. Инсон шахсини улуғлаш, киши онгини диннинг сарқитларидан тозалаш, табиат ва жамиятни инсон манфаатларига хизмат эттириш уйғониш даврининг муҳим хусусиятларидан ҳисобланади” [7:104].

Улкан италян ёзувчиси Жованни Боккаччо (1313-1375) ижодининг чўққиси “Декамерон” 1350-1353 йилларда ёзилган. Боккаччо ўз китобини 1348 йилда Флоренцияда тарқалган вабо офатини ҳаққоний тасвирлашдан бошлаб, ўша вақтда шаҳарда вужудга келган мудҳиш манзараларни ўта реалистик жумлаларда қаламга олади. Бундаги воқеалар китобхонга ўлимдан эмас, яшашдан ҳаётий сабоқ беради. Янги инсон, янгича дунёқараш ва янги адабиётнинг

намунаси сифатида майдонга келган бу асардаги бош ғоя инсонни тарбиялаш ва қайта тарбиялашга бўлган улкан ишончдир.

Франция Уйғониш даврининг улкан адиби ва Европанинг буюк инсонпарварларидан бири Франсуа Рабленинг (1494-1553) “Гаргантюа ва Пантагрюэль” асаридаги дидактик тамойиллар ва ижтимоий-сиёсий ғоялар долзарблиги Шарқ адабиётининг анъаналарига, фольклордан фойдаланиш мотивига уйғунлиги билан ажралиб туради.

Асар жанри, мавзуси, ғоявий ҳамда бадиий ранг-баранглиги серқирра. Шу сабабли унинг кириш сўзида муаллиф ташқи кўринишига эмас, моҳиятга эътибор бериш, яъни суякнинг илиги ичида бўлганидек, асарнинг композицияси, унда ишлатилган сўз ва иборалар, кишини чалғитиши мумкинлиги таъкидланади. Шу сабабли муаллиф ўз ғояларини айнан навқирон авлод тарбиясининг тўғри белгиланиши орқали амалга ошиши мумкинлигини Гаргантюа образи мисолида тасвирлайди. Боланинг она қорнидалигидаёқ унга тўғри муносабат ва муҳаббат, дунёга келиши билан тўғри ном қўйилиши, гўдаклигиданоқ тўғри парвариш, овқатлантириш, кийинадиган кийимларининг рангидаги рамзийлик, отаси Грангузьенинг ўғли 3-5 ёшлигида нималар билан машғуллигига эътибор бериши, энагалар билан қандай вақт ўтказиши ҳамда ўрганаётгани кабилар асарнинг дидактик аҳамиятини яққол ойдинлаштиради. Шу маънода, асарда устоз Понократ образи алоҳида қимматга эга. Эскича таълимдан қониқмаган отаси ўғлини Парижга ўқишга юборади. Унга мураббий Понократ ҳамроҳлик қилади, у Гаргантюанинг онгига ўз замонасининг янги инсонпарварлик қарашларини сингдиради. Шаҳарда Гаргантюа бир қанча саргузаштларга дуч келади.

Понократ Гаргантюанинг бир соати ҳам бефойда ўтмаслиги учун дарс режасини тўғри тузиб, фойдали билимларни ўргатиш орқали ўз шогирдининг қатор муваффақиятларни қўлга киритишига эришади. Шу тариқа асарда устоз-шогирд муносабатлари жуда теран акс этади. Шогирднинг эрталаб соат тўртда туришидан бошлаб, жисмоний машқлари, муқаддас китобдан мутолаа қилишидан тортиб, дунёвий билимларни эгаллаши, пиёда сайр қилиш, тўғри овқатланиши, жаҳон адабиёти, назарий билимларини ўқиш ва ўқиганларини такрорлаб туриш билан бирга, баҳсталаб суҳбатларнинг баён этилиши бежиз эмаслиги англашила борилади. Гаргантюа дастлаб дин схоластикасига асосланган эскича таълим-тарбиянинг салбий таъсирини ахлоқсиз одатлар ва сўзлар билан фош этса, устози таъсирида янгича услубда

тарбия олишнинг муҳимлигини, астрономик, математик, геометрик илмлар сирини ўрганишга иштиёқи ортиб боради. Устоз-ғшигирднинг бўш вақтларида болаларнинг руҳиятини ва жисмоний кучини чиниқтирувчи ўйинлар, табиат қўйнида дам олиш билан машғул бўлишида эса черковдан фарқли равишда ҳеч қанақа мажбурийлик йўқлиги, эркин ва хоҳиший истаклар инobatга олиниши, боланинг қобилиятига қараб дарс услуби янгиланиб борилиши қабилар ҳам асарнинг ғоявий-дидактик аҳамиятини асослайди. Масалан, тушликдан аввал антик давр адабиёти, улуғвор ходисалар ҳақида қизгин суҳбат борса, Гаргантюа овқат маҳалида дастурхонга тортилган барча нарсалар: нон, шароб, сув, туз, гўшт, балиқ, мевалар, кўкатлар, илдизмеваларнинг хусусиятлари, фойдаси, келиб чиқиши ҳамда қандай егулик тайёрланиши қабилар ҳақида билиб олар эди. Шунингдек, Гаргантюа қисқа вақт ичида устози Понократдан Плиний, Афина, Диоскорид, Юлий Поллукс, Гален, Порфирий, Оппиан, Полибий, Гелиодор, Аристотель, Элиан қабиларни ўқиш ва ўрганишга эришади. Айниқса, ўзининг гигиеник тарбиясига кучли эътибор қаратишни ўрганган Гаргантюа арифметиканинг назарий ва амалий жиҳатдан шунчалик яхши ўзлаштирадики, ҳатто арифметика бўйича кенг қўламли асар эгаси бўлган инглиз олими Тунсталл уни тан олмай иложи йўқлиги таъкидланади. Гаргантюанинг мусиқа асбобларидан бир неча хилини, чавандозликни ўрганиб, араб, испан отлари билан турли машқларни бажаришга киришиши, ов қилиш сирлари қабилар муаллифнинг Уйғониш даври таълим-тарбиясининг моҳияти, ёш авлод тафаккурини янгилашга бўлган катта эътибори ҳамда уни тарғиб қилишдаги улкан истеъдодини намоён қила олган.

Дарҳақиқат, Рабленинг Ғарб ўзгаришлар даврида яшагани, Антик фанлар ва санъатлар Европа маданияти қиёфасини ўзгартириб юборгани сабабли таълимга ҳам янгича ёндашувини тақозо этаётгани мазкур асарнинг ёзилишига туртки бўлган, албатта. Муҳими эса Франсуа Рабленинг ўз қаҳрамонлари орқали бола тарбиясидаги эркинлик, дунёвий билимларнинг юксак аҳамиятини бадиий ифодалаш орқали Шарқ уйғониш даври дунёвий дидактик адабиёти моҳиятига уйғун ифодаланишидир.

Адабиётлар:

1. Муҳаммад Ҳайдар мирзо. Тарихи Рашидий. – Тошкент: Шарқ, 2010. – 720 б.

2. Наршахий. Бухоро тарихи. – Тошкент: Камалак, 1991. – Б.124.
3. Сафаров О. Болалар адабиёти ва фольклор. Бухоро, 2007.
4. Фитрат Абдурауф. Танланган асарлар. 1-жилд. –Тошкент: Маънавият, 2000. –Б.112.
5. Ҳомидий Ҳ. Авестодан Шоҳномага. –Тошкент: Шарқ, 2007.
6. Кайковус . Қобуснома. – Тошкент: Истиқлол, 1994. – 176 б.
7. Ҳамдамов У., Қосимов А. Жаҳон адабиёти. – Тошкент: - “Баркамол файз медиа”, 2017. – 352 бет.
8. Рабле Ф. Гаргантюа и Пантагрюэль. ЛитРес.ру

*Шаҳноза ЭРГАШЕВА,
филология фанлари номзоди
(ТДПУ, Ўзбекистон)*

ЗАМОНАВИЙ НАСРДА ШАРҚ АЁЛИ РУҲИЯТИ ТАЛҚИНИ

Аннотация. Мазкур мақолада ўзбек адибаси Жамила Эргашеванинг “Қир устидаги аёл” ҳамда татар адибаси Гўзал Яхинанинг “Зулайҳо кўзини очяпти” асарлари ўзаро қиёсий таҳлилга тортилган. Мақолада асарларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари, икки қардош халқ адабий муҳитига хос умумий қонуниятлар адабиётшунослик илми нуқтаи назаридан тадқиқ этилган.

Abstract. This article compares the works of the Uzbek writer Jamila Ergasheva's "Woman on the field" and the Tatar writer Guzal Yaksina's "Zulaikha opens her eyes". The article discusses the similarities and differences of works, and general patterns characteristic of the literary environment of the two fraternal peoples from a literary point of view.

Калит сўзлар: роман, хотин-қизлар руҳияти, таҳлил, талқин, сюжет, миллий менталитет, миллий анъана ва қадриятлар, замон, бадий тафаккур, услуб, ўхшашлик, ўзига ҳослик.

Key words: novel, female emotional state, analysis, interpretation, plot, national mentality, national traditions and values, period, artistic thinking, style, similarity, individuality.

Бадий ижоддан мақсад – инсон руҳиятини таҳлил ва талқин қилиш, бу жараёнга эса ҳар бир ижодкор ўзига хос ёндашади. Яъни бунда миллий менталитет, қаҳрамон мансуб бўлган халқнинг турмуш тарзи, анъаналари, ижодкорнинг бадий тафаккур тарзи ва услуби, ижодий манераси ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Ўзбек адибаси Жамила Эргашеванинг “Қир устидаги аёл” ҳамда татар адибаси Гўзал Яхинанинг “Зулайҳо кўзини очяпти” асарларини ўзаро таққослаш қиёсий адабиётшунослик илмига қизиқарли хулосаларни беради.

Одатда қиёсий адабиётшуносликка оид тадқиқотларда давр, адабий йўналиш ёки мавзу жиҳатдан ўхшаш асарлар ўзаро таққосланади ва хулосалар чиқарилади. Тадқиқотчи С.Усманованинг “Ўзбек ва инглиз романларида аёл руҳияти тасвири (Абдулҳамид Чўлпон ва Самуэль Ричардсон ижоди мисолида)” мавзусидаги диссертациясида маърифатчилик йўналишига мансуб бўлган икки